JIZZAX VILOYATI G’ALLAOROL TUMANI HOKIMI QARORI

2022 - yil 20 - iyul 294-3-45-Q/22 G‘allaorol tumani hokimligi

Ғаллаорол тумани ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари, ички хўжалик йўллари ва марказий кўчаларда фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида сунъий йўл нотекисликларини ўрнатиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 04 апрелдаги “Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрел кунги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарорларида ҳамда “2022-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобил йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари - автомобил йўллари инфаратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг “пиёда-жамоат транспорт-велотранспорт-автотранспорт” устиворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида сунъий нотекисликларни ташкил этиш мақсадида Ғаллаорол туман Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 16 июндаги 37/402-сонли хатини инобатга олиб, Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ҳудуддаги аҳолининг мурожаати ва Ғаллаорол тумани ички ишлар бўлимининг 2022 йил 16 июндаги 37/402-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. Туманнинг қуйидаги ҳудудларида;

- “Дўстлик” МФЙ Мустақиллик кўчасидаги Халқ банки биноси ва “Газчилар” қўрғони ҳудудидаги йирик савдо дўконининг қаришсига ҳамда одамлар кўп тўпланадиган жойларга;

-“Бахт” МФЙ У.Аламкаш, Ю.Бегимқулов кўчаларида мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, йирик савдо дўконлари каби масканларга ўтиш жойлари яқинида ҳамда одамлар кўп тўпланадиган жойларга;

- “Ғофур Ғулом” МФЙ Чароғон кўчасида йирик савдо дўконлари жойлашган масканга ўтиш жойлари яқинида ҳамда одамлар кўп тўпланадиган жойларга;

- “Самарқанд” МФЙ Ўзбекистон, Мирзакаримов, Т.Норбеков кўчаларида мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, йирик савдо дўконлари каби масканларга ўтиш жойлари яқинида ҳамда одамлар кўп тўпланадиган жойларга Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти O’zDSt 3403-2019 талаблари асосида ишлаб чиқилган сунъий нотекисликлар, шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрел кунги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори талаблари асосида сунъий йўл нотекисликлари ўрнатиш ташкил этилсин.

3. Ғаллаорол тумани Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси

(Э.Мамашарипов), туман Ободонлаштириш бошқармаси (Х.Мамарахимов), маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда сунъий йўл нотекисликларини йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига мос равишда ташкил етиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

4. Мазкур қарор “Ғаллаорол овози” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Мамаражабов ва Ички ишлар бўлими йул харакати хавфсизлиги булинмаси бошлиғи Э.Мамашарипов зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**